

ДЕМОКРАТИЯМИЗ ТАНТАНАСИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ. БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

№ 238 (3720).

Сешанба 5 декабрь 1967 йил.

Баҳоси 2 тийин.

БУГУН—
СССР КОНС-
ТИТУЦИЯСИ
КУНИ

Бахтнома

Бундан 31 йил муқаддам — 1936 йилининг 5 декабрыда Советларнинг Бутуниттифок фавқулодда VIII съезди Совет Социалистик Республикалар Иттифогининг Конституциясини қабул қилди. Ушандан бундан 31 декабрь бутун совет кинилари учун қутлуғ ва муқаддас кун бўлиб қолди. Бу кунни ҳар йили катта умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келимоқдамиз. Бахтимиз қомуси, иқболимиз қўғуси ҳисобланган ана шу олтин кунда неча асрлар оша курашларда қон тўкиб, жон бериб, қўлга киритилган совет киниларининг эркин, ҳуқуқли, бахтли мукассам. Унинг ҳар саҳифаси ва сатри дохил Лениннинг социалистик демократия тўғрисидаги буюқ ғоялари билан сугорилган. Советлар Иттифогини оқлашда теги ҳуқуқли ҳақлар, элатлар куллик киниларининг абадий овоз бўлиб, мамлакатимизда социалистик жамият қурганлиги, жамият ва давлатимиз тузилишининг бодилмас принциплари тўла ифода қилинган, қонунан мустаҳкамлаб берилган.

СССР Конституцияси даврий мазмунли. Ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлиб қолди. Унинг саҳифасига ёзиб қўйилган: «СССРда бутун ҳокимият меҳнаткашларникидир» деган сўзлар йиллар ўтгани билан амалда тасдиқланиб, ўз мазмунини бойитиб бормоқда. Совет киниларининг меҳнат кўнгли қилинган, иқдорли гайрат ташаббуси бузқоқдек қайнаб топтомоқда. Тарихан қисқа давр мобайнида Коммунистик партия раҳнамолигида социализмнинг ушл-кесил қадлабасини таъминлаган ҳалқимиз эндиликда коммунизмининг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлида ҳормат-тоғмай меҳнат қилмоқ-

да. Советлар давлати ҳозир са-
ноат маҳсулотини ишлаб чиқариш
ҳажми бўйича Европада бирин-
чи, жаҳонда иккинчи ўринни
эгаллаб турмоқда.

Социалистик тузум, Совет
демократиясининг афзалликлари
республикамиз миқсолида
ҳам ўзининг эркин ифодасини
топти. Октябрь инқилоби ту-
файли мунававар бўлган йўлдан
бориб, Ўзбекистон дидири СССР
нинг қардошлик оиласида мис-
ли юксакликка парвоз қилди.
Ушундан ҳатто миз, итгани
ҳам четдан олиб келган Ўзе-
бекистон бутун замонавий илгор
индустриал фллага айланди.
Ҳозир республика қорхоналари
тамғаси босилган саноат маҳ-
сулоти 70 га яқин ҳорийки
мамлакатга чиқариламоқда.
Фан, маданият, санъат мис-
лсиз равишда топти. Энди ўз ака-
демиямиз, катта театримиз, кон-
серваториямиз, университетлар
ва қатор-қатор институтларга
эгамиз Бугун ўзбек олимни Па-
риж, Нью-Йорк, Лондон, Бер-
линда лекция ўқиб, жаҳон
олимларини маҳлиё қилиб қўи-
моқда. Ўзбек қизи Германия
Демократик Республикасига бо-
риб, немис болаларига немис
тилидан дарс бераётир. Ўзбек
инженери Шарк мамлакатла-
рида бўлиб, совет техникасини
бошқаришни ўргатмоқда. Рес-
публикамиз шунчалар оқсалиб
кетган экан, бунинг сирини
ни-малар?

Социалистик тузумнинг бур-
жуазия тузумидан фарқи шун-
дан иборатки, бизда совет ки-
ниси — ўз Ватанининг теги
ҳуқуқли ҳўжайини, янги ҳаёт
иқдорли. Бошқача айтганда,
моддий ва маънавий бойликлар
яратилган ҳам ўзимиз, дав-
латни бошқарадиган ҳам ўзи-
миз.

Дохимиз В. И. Ленин Совет

ҳокимиятининг дастлабки кун-
ларидаёқ ҳалққа мурожаат қи-
либ бундай деган эди: «Меҳ-
наткаш ўртоқлар! Шунинг ён-
даги тутиш, эндиликда
давлатия сизнинг ўзингиз бош-
қарасиз. Агар сизнинг ўзингиз
бирлашмасангиз, давлатнинг
ҳамма ишларини ўз қўллари-
нгизга олмасангиз, ҳеч ким
сизга ёрдамлашмайди. Сизнинг
Советларнинг бундан бундан
давлат ҳокимияти органлари,
парламенти, ҳал қилувчи орган-
ларидир». Илгирини ана шу
доҳиёна сўзлари кейинчалик
СССР Конституциясини ишлаб
чиқишда асос қилиб олинган.

Қўндаги рақамларга эъти-
бор қилинг. 1966 йили сайлан-
ган мамлакатимизнинг энг юқо-
ри ҳокимият органи — СССР
Олий Совети депутатларининг
28,6 проценти ишчи, 19,4 про-
центи колхозчи, 10,2 проценти
фан, маданият, адабиёт ва
санъат арбоби, 40,1 проценти
партия, қасаба союз, қосомол,
совет ҳўжалик органлари хо-
лимлари, 3,7 проценти ҳарбий
хизматчилардан иборат.

Ҳозирги вақтда, Америка
Қўшма Штатлари конгрессига
бирорта ҳам ишчи ёки майда
фермерни қўрмайсиз. Германия
Федератив Республикаси бу-
ндагида ишчилар орасидан
сайланган битта ҳам депутат
йўқ. Шундай бўлиши табиий,
негаци буржуазия демократия-
си пулдор ва мулкдорларга —
эксплуататорларгагина хизмат
қилади.

Социализм эса тарихда би-
ринчи бўлиб шахс эркинлигини
таъминлади, бу эркинлик би-
ринчи галда нисонингт эксплу-
атация жабер-ситаидан қолди
бўлганлигида ўз ифодасини
топти Эркин, овоз совет киши-
сининг ҳақ-ҳуқуқлари Консти-
туциямизда қамалланган.

жамият олдидаги бурчи аниқ
белгилаб берилган. Бу ҳуқуқ-
лар ўқиш, меҳнат қилиш, дам
олиш, бепул даволаниш, қари-
ганда, қўл болали бўлганда ёки
иш қобилиятини йўқотганда
давлатдан нафақа олиш синга-
ри қатор имтиёزلардан иборат.
Бу имтиёزلардан баҳраманд
бўлишда барча совет граждана-
лари тенг ҳуқуқлидирлар. Шу
билан бирга Конституцияда
иқтисодий мулкни, сақлаш ва
қўлайтириш, ҳалол меҳнат қи-
лиш, жамоат тартибини қўриқ-
лаш, Социалистик Ватанини қў-
риқлаш — ҳар бир совет граж-
даининг муқаддас бурчи ака-
диги қўрсатиб ўтилган.

Ҳалқимиз бундан Совет Кон-
ституциясини қунини аф меҳнат
қўтаришқилиги ва ақойиб за-
фарлар билан нишонламоқда.
Яқиндагина ҳокимиятимизнинг
эллик йиллик шовли юбилейи-
ни қалбларда чексиз гўрўр ва
фаҳр туйғуси билан катта бай-
рам қилдик. Ярим асрлик ку-
раш йўлимизга, улғувор ишла-
римизга яқин ясаб, иккинчи эл-
лик йилликка қадам ташладик.
Саноатчиларимиз, қурувчилари-
миз бешйиллик план топири-
қиларини муддатидан илгари
бажариш учун умумхалқ мусо-
бақасини тобора кинитмоқда-
лар. Республиканинг пахтакор-
лари тўрт миллион тоналлик
улкан «оқ олтин» хирмони
ясаб, Ватанга совға қилишди.

Ўз эрк, ҳуқуқ ва бурчлари-
ни тўла аниқлаган совет киши-
лари Ватанимизнинг янги ра-
нақи, гўллаб-яшнаши, жонажон
партия XXIII съезди белгилаб
берган улғувор режаларини рў-
ёга чиқариш, дунёда энг ало-
латли, ҳалқчил, демократик со-
вет тузумини мустаҳкамлаш
учун бундан бундан ҳам бутун
куч ва гайратларини аямай
меҳнат қиладилар.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

САБЗАВОТ МЎЛ БЎЛДИ

«Тошкент» совхозининг саб-
завотчилари бу йил зўр гайрат
билан меҳнат қилиб қишлоқ
ҳўжалик экинларидан мўл хо-
сил еттиштиришга эришдилар.
Шунинг учун ҳам сабзавот
экинларининг бача турлари
бўйича планлар ошириб бажа-
рилди. 1720 тонна ўринга
1753 тонна картошка, 6655
тонна ўринга 6560 тонна саб-
завот, 2930 тонна ўринга 3375
тонна полли экинлари маҳсуло-
ти етказиб берилди. Жами 11
миң 683 тонна маҳсулот топи-
шилди. Ёки 1966 йилдагига
нисбатан 2 минг тонна кўп маҳ-
сулот давлат омборларига қа-
бул қилиб олинди.

Қишлоқ ҳўжалик экинлари-
дан мўл ҳосил еттиштиришда 3-
бўлим ишчилари айниқса гай-
рат кўрсатишди. Планди 2077
тонна ўринга 2120 тонна маҳ-
сулот етказиб берган бу бўлим
ишчилари пешқадамларини эгал-
ладилар. Ўртоқ Усен Бойзоқов

раҳбарлик қилган бригада иш-
чилари юбилей йилида намуна-
ли меҳнат қилдилар. Шу бо-
лининг П. Гроздников бошчи-
лиги қилган наърадан, қосомол
механизациялашган эвеноси
ишчи бошқаларга ўрнак бўлди.
Янгича усулда ишнинг тақкили
этиллини ҳосилли оширишда,
уни барча турлари бўйича мўл-
қўл еттиштиришда ҳал қилувчи
роль ўйнади. Эвенос аъзолари
198 тонна ўринга 294 тонна
маҳсулот еттиштириб бу соҳага
кин планларини 147,9 процент
бажаришга эришдилар. Шу-
нингдек Қозабой Шарипов
бошлик қосомол механизация-
лашган эвенос аъзолари ҳам қу-
вончи йўтуқларни қўлга кирит-
дилар.

Қалинин райониди бу со-
ҳоз ишчилари келгуси йил мўл
ҳосилли учун мустаҳкам замин
тайёрлаш ва беш йилликни
муддатидан илгари адо этиш
учун курашмоқдалар.

ШУДГОРЛАШ ИЛГОРЛАРИ

Оққўрғон, Оржоникидзе рай-
онларининг механизаторлари
СССР Конституциясини қунини
муносо ишлаб чиқариш соҳа-
лари билан кўтиб олдилар.
Улар бунга эришиш учун сопи-
алистик мусобақани кўчайти-
риб ишчи икки сменада таш-
кил қилдилар ва шудгорлаш
юзасидан берилган топириқни
муваффақиятли бажардилар.

Оржоникидзе районидаги
маштад «Қизил Ўзбекистон»,
Жданов номи Оққўрғон райо-
нидаги Хамид Олимжон номи
ва бошқа илгор, ҳўжаликлар,
«Ўзбекистон ССР беш йил-
ли» совхози тракторчилари ай-
ниқса яхши ишладилар. Улар
техникадан моҳирлик билан
фойдаланиб экинлардан бўша-

ган майдонларни чуқур ва си-
фатли шудгор қилиб қўйдилар.
Эришилган муваффақиятни
мустаҳкамлаш учун курашай-
ган икки район ҳўжаликларида
шудкорларда ишчи яна ҳам киз-
гин. Пахтакорлар, сабзавоткор-
лар келгуси йил мўл ҳосили
учун пухта замин яратиш учун
астойдил курашмоқдалар. Ми-
нерал ўғитлар ташиб келти-
риш маҳаллий ўғит жамғарш
ва ер бошига чиқариб қўйиш
ишлари кундан-кунга жадал-
лаштирилмоқда. Бу ишларда
мавжуд транспорт воситалари-
дан унумли фойдаланилмоқда.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
КУЗГИ ШУДГОРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
4 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН
МА Ў Л У М О Т

Районлар	планга нисбатан процент ҳисобида
КАЛИНИН	101,0
ОРЖОНИКИДЗЕ	100,4
Оққўрғон	99,6
Юқори Чирчиқ	86,2
Янгиўл	83,0
Урта Чирчиқ	72,8
Бўёқ	55,6
Бекобод	46,4

Область бўйича: 77,1

ҚАРДОШЛАР ҲИММАТИ

Беш йилликни муддатидан
илгари, бажарамиз! — Минглаб
саноат қорхоналари, қурилиш-
ларнинг коллективлари мана шу
шиор остида ишламоқдалар, до-
ҳиймиз В. И. Ленин тугилган
қунини 100 йиллигини муно-
сиб туғфалар билан кўтиб
олиш учун курашмоқдалар. Ян-
ги Тошкент қурилишида қатна-
шайтган қардош РСФСР Авто-
мобиль транспорти ва тош йўл-
лар министрлигига қарашли
Москва автобазаси коллектив-
нинг шиори ҳам ана шундай.
Ахир коллектив юк ташин

юзасидан берилган топириқ-
ларни мунтазам ошириб бажа-
риб, социалистик мусобақалда
пешқадамлик қилишти, янгидан
янги йўтуқларга эришяпти.

Автобаза ҳолимлари юк та-
шин бўйича юбилей йили план-
лини муддатидан илгари ша-
раф билан адо этидилар. Улар
қурилиш майдонларига ўндоғча
минг тонналаб ҳар турли юк-
ларни етказиб бердилар.

Қардош бунёдкорлар меҳнат-
ни яхши тақкили этишган, гра-
фика қатъий амал қилдилар.
Коллектив орасида алоҳида ўр-

нақ қўрсатиб ишлайтган илгор-
лар, жуда кўп. Шоферлардан
Николай Никитичев, Александр
Кисанов, Владимир Волков,
механик Станислав Косинков,
ремонтчилардан Александр По-
токин, Иван Гроздечий, дис-
петчер Розин, Муслимова ва
бошқалар катта ҳурмат қозо-
нишган.

Москвалик қардошларимиз
шу кунларда ҳўжалик йилини
яхши якунлаш учун янада зўр
гайрат билан меҳнат қилмоқда-
лар.

Х. НОСИРОВ.



ЯШАСИН КУП МИЛЛАТЛИ СОВЕТ ДАВЛАТИ!

БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАМИЗ



Охунбобоев номли совхознинг кекса чўпони Терайбой ота Жўлдиқораснинг отарларидаги қўйлар доимо семиз ва соғлом. Суратда: ўртоқ Жўлдиқорас ўз отарида.

ҚҮЙЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

ЯЙЛОВДА

Икки томон кенг галлазор. Яқингинада қирлиқларга арпа, буғдой сепилган. Эндиликда қуёш тафтидан баҳраманд бўлган баракка уруғи ниш уриб, бўй чўзиб қолибди.

Машина олға томон интилди. Поёнсиз яйлов, қўмқўк бар ва ўтларни қўриб таъиниғиз равшан тортади. Қўй-қўзилар ўтлаб юрибди.

Эллик, юз, икки юз километр йўл босамиз. Ўтлоқ, баҳорикорликларга дуч келамиз. Унда-бунда чўпонлар юришибди. Биз улар билан суҳбатлар қиламиз. Улар ўз боқимларидagi қўйларнинг сони, қўзиларнинг яқини, жун қирқиб олишдаги ютуқларини гапириб беришади.

Юз минг гектарлаб ерларини эгаллаб ётган бу бепоев Келес массивида Чўқай ота Қорасин танимаган киши йўқ деса бўлади. 31 йилдан бери шу чўй-бобойларда чўпонлик қилади. Қўнига 20-25 километргача йўл босиб қўйларни ўтложка ёйди. Ўрта баҳорда қўйларини роса ўрта тўдириб этига-ёт қўшади. Қўн исб ўтлар қовчираб қолган пайтларда ҳам ота тинмайди. Пастликлардаги яйловларга қўйларни ҳайдайди. Шу туфайли қўйлар озмайди, доим семиради, дейди у...

Баланд бўйли, сўнгиндан келган бу киши билан гаплашсангиз, ҳеч зерикмасиз. У чорвадорлар ҳаётини жуда яхши билади. Қўйларни боқиб семиртиришда катта тажриба орттирган. Хукуматимиз ҳалол ишлар, сўзининг устидан чиққан кишиларнинг меҳнатини асло унутмайди. Доим қадрлайди. Ота аввал колхозда ишлади. Кейин совхозга ўтди. Қарда бўлма-

си ўз боқимдаги қўйларни семиртириб боқди. Совхозлардан ўғзи олиш, жун топириш пайтларини ҳар йили ҳам ошириб бажаради.

Ҳозир ўзининг беш олтинчидан ортган бўлса ҳам пенсияга чиқиб қўйларни келтирмайди.

Чўпонлар қўй-қўзиларни ўтга тўдириб сўнг уларни қудуқ олдида ҳайдайдилар. Кейин яна ўтложка ёйдилар. Чўпонлар кеч-қурунги оқатини еб, яна ярим тунгача қўйларни ёйиб боқибди.

Калинин районидagi Охунбобоев номли қўйчилик совхозини яйловларини бир-айлаиб қўриб-а. Ҳамма ўз отарида. Қўйларини ноубуд қилмай, боқиб семиртириш билан банд.

Келинг, идора олдидаги тахтага ёйиб қўйилган рақамларга кўз ташлаб чиқайлик. Қўрсаткичлар кимнинг қандай ишлаганлигига баҳо бериб турибди. Ўтган йилнинг шу вақтида совхозда ҳаммаси бўлиб 33 минг 820 қўй бор экан. Ҳозир эса 42852 бош. Совхоз коллективини қўйлар сонини кўпайтириш пайлини 109 процент бажарибди. Ҳар йилгидек юбилей йилида ҳам қўзилатиш кампанияси муваффақиятли ўтганлиги сабабли ана шундай қувончли ютуқ қўлга киритилган. Жун қирқиб олиш ва давлатга топириш пайлини 110 процент бажарибди. Ҳар бир жайлар қўйдан пландаги 1 кило-800 грамм ўрнига 2 кило-200 граммдан жун қирқиб олинган. Давлатга гушт этиштириб бериш, ҳар бир қўйнинг семиз бўлишини таъминлашда ҳам қанчадан қанча ютуқлар қўлга киритилганлиги рақамларда ўз ифодасини топган.

рар жой бинолари қуриш бу йилдаги нисбатан икки бараварга кўпаяди. Чорвадорларнинг уйларини газлаштириш ишлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бироқ бу ерда ҳали қилинадиган анча иш бор. Биринчи галда мактаб-интернат биноси қурилади. Ҳаммом ишга тушади. Отарларда чўпон туралган ўйлаб-ўйлаб қўй қўтарибди.

ШУНИ ҳам айтиш керакин, яйловда-медицина пунктлари йўқ эди. Энди буларнинг сони анчага кўпайди. Дорихона биноси ҳам қурилиб фойдаланишга топширилди. 15 койка-касалхона ҳодимларининг ишидан чорвадорлар чексиз хурсандилар. Медицина ҳодимлари чўпонларга парвона. Уларнинг соғлом бўлишлари учун қўлларидан келган барча ёрдамларни қўрсатмоқдалар. Врач Умар ака Оллоберганов салкам йилдан бери шу ерда, чорвадорлар орасида. Кимнинг қайси отарда ишлашини жуда яхши билади. Авваллари у беморларни ўйлариди қўриб, дориб бериб кетаварди. Энди эса беморларни касалхонада даволамолар. Вратнинг ташаббуси билан яйловда турувчи ҳам ташкил этилди.

Ҳамшира Гуляна Султоббековани дачон қараманг, чорвадорлар орасида қўрасиз. У тиниб-тинчимайди. Чўпонларнинг соғлиги ҳақида қайғиради. Чўпонлар ҳамширани ҳурмат билан тилга олиб, «доктор киз», деб қақиршади. Медицина пунктнинг му-

дири Зикир ака Исҳоқов ҳаётининг ҳаммасини чорвадорларга бағишлаганман, деб пенсияга чиқмапти. Бундай ватанпарвар, ишда толиқмас, гайратли кишиларнинг меҳнатларидан садаганг кетса арзийди. Улар ҳам ўзларининг ҳалол меҳнати билан чорвачиликни юксалтиришга ва унинг маҳсулдорлигини оширишга омиш қилиш ҳисси қўймоқдалар.

СОВХОЗ марказидан чиқарилган Чор атрофида илмий бўлиб кетган қўйлардан юрб узоқ-узоқдаги қишлоқларга етиб борибди. Шуниси қизиқки, чўпонларнинг талайгина қишлоқ азиям Сирдарининг соҳилларига жойлашган. Улар Сирдаридан сувидан фойдаланишди. Чўлонтена, Тентаксой, Қўқатқай, Қўзликўл, Тортқай яйловларида ҳам ҳаёт қайнайдди. Бу жойлар кун сайин ободлашиб, қишлоқ фойда-файз қирмоқда. Бу ерда ишлаганларнинг ҳаммаси ҳам гайрат қўрсатишди. Уларнинг бири чорва моллар туғини қўлайтиришга бўлган, яна бири уй қўриб қишлоқни ободонаштиришга, яна бири эса ялмалор ерларга сув чиқармоқда.

Бир мисол, аввал чорвадорларга сабабот, полн экинлари узоқ жойлардан келтирилган эди. Энди бунга зарурат қолмади. Теналиқлар ўзлаштирилиб сув чиқарилибди. Қовун-тарвуз, сабз-печ, помидор экинли. Ҳосили ҳам чакки бўлмади. Чорвадорлар ўзларидан ортб қолган маҳсулотнинг бир қисmini колхоз, совхоз бозорларига келтириб сотишмоқда.

НУҚУЛ ФОЙДА

ЧОРВАДОРЛАР жуда режалли иш тутишади. Шунинг учун ҳам ортинча харажатларга йўл қўйишмайди.

Нукул фойдага ишлагга харажат қилади. Қарда қўйчилик ривожланган бўлса, ўша ерда ҳам фойда кўп бўлади. Қўйчи-

ИККИ СОВХОЗНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Калинин районидagi Охунбобоев номли, Янгийўл районидagi Жамбул номли қўйчилик совхозларининг коллективлари юбилей йили вахтасида турб ишлаб, ажойиб галлабарини қўлга киритдилар. Чорвадорлар самарали меҳнат қилиб, давлатга гушт, жун топириш пайлиларини анча ошириб бажарибди. Ҳар иккала совхозда ҳам қўзилатиш кампанияси муваффақиятли ўтди. Ишчилар чорва моллар туғини қўлайтириш билан бир қаторда чорва озуқасини муҳтўқлиги учун курашиб, бу соҳада бир қанча ютуқларини қўлга киритдилар. Икки ҳўналда ҳам беда ва пичақдорларни кенгайтиришга жиддий эътибор берилаётди. Лаллиқор ерлар ўзлаштирилиб, сув чиқарилапти. Беда ва махсулотлардан ҳосил олиш қўлайиб бормоқда.

Чорвадорлар ҳорамликларининг ватанпарварлик ташаббусини чин оракдан маъқуллабдилар. Беш йиллик план топиришларини муваффақиятли олдин бажариш юзасидан бир-бирлари билан социалистик мусобақа ўйнайдилар. Охунбобоев номли ва Жамбул номли совхозларининг коллективлари чорва қишлоқини намунали ўтказиш ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ўз зиямларига қўйидаги мажбуриятларини олдилар.

ОХУНБОБОВЕВ НОМЛИ СОВХОЗ БУНИЧА

Мажбул 41 минг бош қўй қишдан соғлом ва семиз олиб чиқилиб, 21 минг соғлиқнинг ҳар юз бошидан камида 100 тадан қўз олинади.

Гўштга топириладиган ҳар бир бош қўйнинг тирик вазини пландаги 40 ўрнига 50 килограммга етказилади.

550 тонна ўрнига 600 тонна гушт, 70 тонна ўрнига 80 тонна жун топирилади ва ҳар бир бош жайлар қўйдан пландаги 1 килограмм 800 грамм ўрнига 2 килограмм 400 граммдан жун қирқиб олинади.

1720 гектар беда майдони 2000 гектарга кенгайтирилади.

ЖАМБУЛ НОМЛИ СОВХОЗ БУНИЧА

Яқин кунлар ичида чорва моллари сақланадиган 80 қўра ремонтдан тўла чиқарилади.

52500 бош қўй қишдан семиз олиб чиқилади ва 28000 соғлиқнинг ҳар 100 бошидан камида 100 тадан қўз олинади.

Мамакатта фақат семиз гушт етказиб берилади ва бу соҳадаги илан муваффақият олдин бажарилади.

Ем-хашак базисини яна ҳам мустаҳкамлаш мақсадида 1968 йилда лянгадан 300 гектар ер ўзлаштирилиб, бедазодалар 700 гектарга етказилади.

Яйловларнинг 2000 гектарига тўйимли изан ўти экинли.

Гўштга топириладиган ҳар бир бош қўйнинг ўртача тирик вазини 45 килограммга етказилади.

Ҳар бош жайлар қўйдан пландаги 1 килограмм 800 грамм ўрнига 2 килограмм 400 граммдан жун қирқиб олинади.

ЧЎПОНЛАР ҚУВОНЧИ

ЧЎПОНЛАР ҳалол ва виждон билан меҳнат қилса чўй-бобойлар буюбон бўлади. Чорва озуқаси кўпайиб, чорвадорнинг бахти очилади, иши барқарор бўлади. Бу гапларнинг нақадар тўғри эканлигини биз бу ерда ўз қўлимиз билан кўрдик. Чорвадорларнинг планларини ошириб бажаришга сари уларнинг маданий ҳаётлари ҳам раванк топмоқда. Қувонч устига қувонч бўляпти. Узоқда бормайлик. Совхоз маркази жойлашган Бўзойини бир қўздан кечириб чиқайлик. Бундан бир неча йил олдин бу ерда деярлик ҳеч нарса йўқ эди. Унда-бунда қаққайган пасткам, усти қамчи билан ёпилган уйлар кўзга ташланарди. холос. Энди-чи, қишлоқ та-

иниб бўлмас даражада ўзгарди. Ой сайин қурилиш ишлари авж олмоқда. Тартаб билан қуриладиган уйлар бирин-кетин битказилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Кейинги йилларда чўпонларга тамхўрлик қилиш анча яхшиланди. Уларнинг баракалари ишчиларни учун барча шароитлар яратилмоқда. Чўлда гушт заводи йўқ, ишчи гушт ва бошқа қурилиш материалларини ташиб келтириш анча қийин. Лекин шунга қарамай, чўлда қурилиш ишлари жалал кетяпти. Гушт, ёгон, шифер тўхтовсиз келтириб турилибди. Бинокорлар тинчимаяпти. Шинамгина уйлар қуришяпти.

Яқингинада ўйлар уч-тўрт хонали уй қуриб битказилди. Келгуси йилда эса ту-



Бўзой яйловида яқинда қурилиб фойдаланишга топширилган турар-жой бинолари (чапдан сурат).

Ундаги суратда: (чапдан) Янгийўл районидagi Жамбул номли совхознинг илгор чўпонларидан Ч. Қорасев, А. Кучербоев, У. Бердиху-жаев, Т. Маликов, Н. Шайбеков ўртоқлар чорва қишлоқини намунали ўтказиш юзасидан ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Н. Тўраев фотолари.



М. ҒОЗИЕВ, «Тошжент ҳақиқати»нинг муҳбири. Келес массиви.

